

**Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги  
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти  
Тарих факультети**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
“Умумий тарих” кафедраси мудири  
Р Холматов \_\_\_\_\_**

**А Р Х Е О Л О Г И Я  
фанидан лаборатория иши**

**Билим соҳаси: 100000 – Таълим  
Таълим соҳаси: 140000 - ўқитувчи тайёрлаш ва педагогика фани**

**Бакалавриат йўналишлари: 5140600 - Тарих**

**Қўқон -2010**

## КИРИШ

Археолог қадимги ёдгорликларни ўрганиш жараёнида аждодлар ўтмиш тарихи ва маданиятидан далолат берувчи ашёвий далиллар ва қурилиш қолдикларини очар экан, у биринчи навбатда ўз илмий тадқиқоти учун бирламчи манба тўплайди. Унинг ўта муҳим томони ҳам шундаки, топилган материалларни ўрганиш жараёни айнан уларни очиш дақиқаларидан бошланади. Материалларни тарихий тахлил этишни билмай туриб, археологик ёдгорликни яхши қазиши мумкин эмас, чунки унинг тарихий тахлил ва талқини қазиши жараёнидан бошланади. Мактаб кўрмаган ва дала амалиётида бўлмаган "археолог"хеч қачон археологик объексларни яхши қазиши мумкин эмас, чунки унинг на тегишли билими, на тажрибаси бор. Шунинг учун ундаи "археолог" қазиган ёдгорлик қанчалар бой ва ноёб материаллар бермасин, у фан учун катта йўқатишидир. Илмий методикасосда қазишмалар олиб боришни билмаган изланувчи хеч қачон яхши кабинет тадқиқотчиси ҳам бўла олмайди, чунки унда қадимги маданий қатламларнинг ҳосил бўлишҳолатини кузатишдек муҳим неъматдан маҳрум; илмий қазиши маракаси йўқлигидан ёдгорлик характеристини тасаввур эта олмайди. Бундай холатда тўла қонли археологик тадқиқот олиб борилди, деб бўлмайди. Кабинет ва дала шароитида олиб борилган археологик тадқиқотлар археологик изланишларнинг туб мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Археология тарих фанининг таркибий қисмидир. Тарих асослари археологиядан бошланади. Мустақил Ўзбекистон археология фанининг методологик асосларини тарихий исчиллик, холислик, объективлик тамойиллари ташкил этади, қадимги жамиятларнинг тарихий кетма-кетлиқда ривожланишини ўрганиш археология дала амалиёти вазифасига киради. Археология тарих каби ёзма манба материалларидан фойдаланади. Аммо, археология аксарият холларда асосан археологик маълумотлар асосида жамият тарихий тараққиёти ҳакида умумий тасаввур ва тучунчалар беради.

Ҳар бир археологик объект: қадимги қабр ёки турар-жой манзили (поселение), шаҳар ҳаробаси (городище) ёки суғориш иншоати, қадимги бинолар, монументал ибодатхоналар ва мудофаа иншоатларининг қолдиклари, тоғ саноати ва халқ хунармандчилигининг маҳсулотлари, нафис санъат намуналари ва бошқалар бўладими, археологдан объектни стратиграфик жиҳатдан мукаммал ўрганишни талаб этилади. Чунки, стратиграфия археологик тадқиқотларнинг юраги, бош томири ва асосиidor. Стратиграфик кузатувсиз олинган ашёвий далил маъносил ва жонсиз тананинг кераксиз ёт парчасиidor. Унинг объект учун илмий аҳамияти йўқ.

Археологик объект ва материалларнинг хилма-хиллиги археологик тадқиқотнинг манбавий асоси бўлиб, улар кишилик жамияти тарихининг турли давр ва босқичларини тавсифлашга хизмат қиласиди. Уларни қазиши жараёнида меҳнат ва ҳарбий қуроллар, қадимги аждодлар турмуш тарзидан гувохлик берувчи ашёвий далиллар топиладики, улар археологик объексларимизнинг маданий қатламларини ташкил этади. Уларни ўрганиш иши билан фақат "Откryггий лист" гувоҳномаси бўлган мутахассисларга

шуғулланиш хукуқи берилади. Ёдгорликларда қазишмалар ўтказишнинг заминида тарихий тадқиқот ётади.

Археологик ёдгорликлар ўз даврига нисбатан турлича номланган. Уларни ўрганиш учун маҳсус илмий экспедицилар уюштирилади. Ҳар бир давр ёдгорлиги ўз характеристи ва табиий-географик жойлашиш ўрнинг кўра, турли хил услубий ёндашувлар асосида, ўз жойида, дала шароитида ўрганилади. Топилмалардан тегишли хulosалар чиқариш, аниқроги уларни "гапиртириш", тилга киритиш маҳсус илмий тайёргарликни талаб қиласди. Шунинг учун археолог олимдан биринчи навбатда археологик ёдгорликларни қазиш йўлларини яхши билишлик талаб этилади. Нотўғри ва ноилмий қазишмалар археологик ёдгорликларни йўқ бўлишига ва хато хulosалар чиқаришга олиб келади.

Одатда, археологик қазишма усуслари тадқиқот соҳиби мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Ноёб топилмалар қидириш мақсадида олиб борилган археологик қазиш ва бузиш жуда қадимдан бошланган. Аммо, ўтмиш тарихни тиклаш йўлида олиб борилган илмий қазишмалар тарихи жуда ёш. Археология фан сифатида XIX асрда шаклланди. Дастлаб Ўрта Осиёда Чор Россиясининг босқини муносабати билан ноилмий ва ярим илмий қазишмалар билан рус зобитлари, шарқшунос олимлар, коллекционерлар шуғулландилар.

Ёдгорликларни ўрганиш, қазиш ишига илмий асосда ёндашиш **XX** аср бошларида, асосан шўролар хокимияти даврида бошланди. Ўзбекистонда археология фан сифатида советлар даврида шаклланди. Малакали кадрлар (дастлаб русий забон аҳоли орасидан, кейин 50-йилларнинг охирги чорагидан маҳаллий аҳоли орасидан) тайёрланди, Ўзб.ФА тизимида маҳсус Археология илмий тадқиқот институти ташкил этилди (1970 й.)- Ёдгорликларни илмий қазиш услубияти ва методикасига алоҳида эътибор қаратилди. 1970-80 йилларда бутун республика бўйлаб археологик тадқиқотлар кўлами кенгайди, қадимги ва ўрта асрлар даври тарихимизнинг барча босқичлари бўйича бой археологик материаллар тўпланди, улар тарихий тахлил этилди, илмий муомила киритилди. Республикада ўзбек археологларининг илмий мактаби яратилди.

Мустақиллик йиллари арафаси ва мустақиллик йилларида Ўзбекистон археология ёдгорликларини ўрганишга Америка ва Фарбий Европа археология илмий мактабларининг вакилларини тортиш анъанага айланди. Бугунги кунга келиб, Республикамиз ҳудудларида 10 га яқин хорижий экспедициялар Ўзбекистон археологлари билан ижодий ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқдалар.

## **1-Мавзу. Археологияда классификация ва типология. Режа:**

1. Археологик топилмалар классификацияси
2. Археологик топилмалар билан ишлаш услублари

Барча археологик топилмалар категорияларга, гурух, синф ва турларга бўлинади. Топилмалар 5 категорияга ажратилади: тош, сопол, ёғоч, суяқ, металл. Шунингдек, ҳар бир категория гурухларга бўлинади. Жумладан, қўлда ишланган, чархда ишланган. Уларнинг кейинги ишланиш жараёнларда улар типларга, типлар эса, турларга бўлинади. Ёдгорликдаги археологик топилмаларнинг барчаси ўрганилиб чиқилгач, улар бошқа ёдгорликдаги топилмалар билан солиштирилади.

## **2–Мавзу: Тош қуролларининг ишланиш услублари**

### **Режа:**

1. Кертма техника
2. Ёрма техника
3. Микролитлар

Тош қуроллари инсоният томонидан ишлатилган илк меҳнат қуроллари ҳисобланади. Палеолит даврида меҳнат қуроллари кертма ва ёрма техника услубида ишланган. Инсоният тараққиёти билан тош қуролларини ишлашда янгиликлар қўлга киритилиб, меҳнат қуролларининг тури кўпайган. Қўл чўқмори, найза, пичоқ, нуклеус, тош қирғич. Микролит қуроллар. Макролит қуроллар. Болталар. Чорвачилик ва дехқончиликнинг такомилашувида тош қуролларнинг ўрни.

## **3–Мавзу. Маданий қатлам ва уни тадқиқ қилиш услублари.**

### **Режа:**

1. Бирқатламли ва кўпқатламли ёдгорликлар
2. Казишина ишлари билан боғлиқ асосий курсатмалар
3. Маданий қатламлар схематик белгилаш услублари

Объект тўғрисида кутубхонада мавжуд бўлган адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлар билан якиндан танишиш. Объектда казиши ишлари олиб бориш. Ёгорлик бўйича янги материалларни излаш. Янги материаллар қўлга киритиш, уларини лабораторияда тахлил қилаш.

Археолог дала тадқиқот ишларига энг муҳим ўрин ажратади, чунки дала тадқиқот ишларисиз моддий манбаларни топиш ва тадқиқ имкони мавжуд эмас. Маълум бир ёдгорликни топишда археологлар ёзма, эпиграфик манбаларга ва халқ орасида сақланган ривоятларга таянган холда иш олиб боради. Дала–тадқиқот ишларининг асосий мақсади ёдгорликдан топилган бир хил буюмларни тўплаш эмас, балки ёдгорликнинг санаси ва даврий ривожланиши билан боғлиқ тарихий изчилликни тиклаш ҳисобланади. Шунингдек, археолог ёдгорликнинг бутун худудни тадқиқ қилиши муҳим эмас, у ёдгорликдан муҳим деб санаган моддий манбаларни топгач,

ёдгорликда қазишиш ишларни тухтатади. Ёдгорликнинг қолган қисмини эса, бошқа тадқиқотчилар давом эттироғи лозим. Чунки дастлаб олиб борилган тадқиқот ишлари кейинги олиб борилган тадқиқот ишлари билан солиштирилади ва унга берилган олдинги хулоса ё тасдиқланади ё инкор қилинади ёки ривожлантиради.

Археолог ёдгорликда қазишиш ишлари олиб боришдан олдин мазкур ёдгорлик тұғрисида түлиқ ёзма маълумотнома таेरлайди ва қазишиш ишлари олиб борадиган қисмини аник белгилайди. Шунингдек дала-тадқиқот ишлари хар бир худуднинг табиий географик шароитидан, ёдгорликнинг жойлашган жойининг хусусиятидан ва ёдгорликнинг кайси даврга оид эканлигидан келиб чиққан холда қазишиш ишлари турли хил услубларда олиб борилади.

Ёдгорликда қазишиш ишлари билан боғлиқ юқорида қайд қилинган ишлар бажарылғач, мазкур худуд хар томонлама фотосуратта олиниши лозим. Бунда хар бир элемент эътибордан четда қолмаслиги лозим. Шунингдек, қазишиш олиб боришиш жараёнида хам хар бир босқич хам фото суратта олиб боришиши керак.

#### **4-мавзу: Археологик разветка турлари**

##### **Режа:**

1. Разветка ишлари мақсади
2. Разветка ишларига тайёргарлик
3. Разветка турлари
4. Манзилгоҳларни излаш услублари

Археологик разветка археологик ёдгорликларни ўрганиш мухим аҳамиятга эга. Унда ёдгорликнинг энг умумий томонлари ўрганилади. Археологик разветканинг 2 та тури мавжуд, Археологик разветкада яхши натижага эришиш учун унга дастлаб пухта тайёргарлик күриш керак. Излаш режалари. Манзилгоҳ, маданий қатламнинг асосий белгилари, ёдгорликни тафсифлаш, стратиграфия, авиаразветка, разветканинг геофизик услублари, сув ости разветкалари, палеолит, энеолит даври маконларини излаш услублари, бронза даври қишлоқлари, шаҳарлари, қабрлари, қўрғонлари, петроглифлар, тоғ қонларини излаш услублари, хазиналар тұғрисида маълумотлар тўплаш.

#### **5-мавзу: Қадимги қабр ва қўрғонларни тадқиқ қилишининг ўзига хос хусусиятлари.**

##### **Режа:**

1. Қабрларнинг турлари
2. Қабрларда қазилма ишлари
3. Қурғонлардаги қазилма ишлари

Диний маросим ва уларнинг инсонлар хаётидаги аҳамияти. Қабрларнинг турлари. Лахат, кенотаф, Қабрларда

Қадимги қабрларларни ўрганиш, қабр белгиларини қидириш, уларнинг ташки ва ички тузилиши, қабр айвони ва лаҳат, скелет ва унинг атрофига қўйилган ашёвий далиллар. Скелетни ётиш холати ва унинг шахсий предметлари, уруғдошлари келтирган қабр предметлари. Скелетни тазалаш, чизмага олиш, фото суратга тушириш. План ва разрез. Мозор - қўрғонларни қазиш методикаси ва уларни қазиш жараёнида нивелирдан фойдаланиш. Қабр усти уноми ва унинг стратиграфик таркибини ўрганиш. Ўлчаш, репер нуқтасини аниқлаш. Бровка ва разрез. Кўмиш маросимининг хилма-хиллиги. Трупположение, трупсожжение, "Криматория" кенотаф мозорлар. Мозор-қўрғон қазишнинг хилма-хиллиги. Материк. Ўғирланган мозорлар, ўғирлик йўли. Мозор-қўрғон қазишда механизациядан фойдаланиш.

Топилмаларни бирламчитаъмири ва қандай саклаш усуллари устида бош қотириш ва шуғулланиш. Дала чизма материаллари устида ишлаш. Дала амалиёти илмий ҳисобатини тайёрлаш. Топилмаларни турларга ажратиш ва типларга бўлиш. Топилмаларни турлар, типлар ва подтиплари бўйича таблица чизмаларини тайёрлаш, уларни ҳар томонлама тавсифлаш ва характерли томонларини аниқлаш, уларни бошқа объект материаллари билан қиёсий ўрганиш, хронологик санасини белгилаш. Хуллос, илмий изланишлар олиб бориш.

Қабрларни очиш жараёни: репер нуқтаси белгилангач, аввал қабр усти қурилмалар бровка қолдирилиб тозаланади, фотога олинади, миллийметровкада акс эттирилади, бровка линияси бўйлаб қабр кесмаси (разрези) олинади. Сўнг, қабр очилиб скелет ва унга қўйилган шахсий ва ритуал ашёлар тупроқдан тозаланади. Уларнинг барчаси яхлит фотога олиниб, сўнг миллийметровкада акс эттирилади. Бровка линияси бўйлаб чизилган разрез лаҳадни қамраган ҳолда давом эттирилади. Қабрни хужжатлаштириш жараёни тугагач, қабр предметлари бирма бир шифрланиб олинади. Қадимги қабристоннинг барча дафналари мана шу тартибда казилади, хужжатлаштирилади. Шундай қилиб, объектни ўрганиш қабрларни очиш лаҳзаларидан бошланади.

Қабрларни очиш уларнинг стратиграфиясини кузатиш билан бирга олиб борилади. Бундай ёндашув объектни илмийлик характерини оширади, тарихий хulosалар чиқаришда аз қотади. У.Дала амалиёти даврида тўпланган барча материаллар: артефактлар, фото ва чизма жужжатлари лаборатория (кабинет) шароитида ҳар томонлама ўрганилиб, барча материаллар илмий классификация ва системалаштирилади, ашёлар ўз турлари, типлари бўйича таблицялаштирилади, дала чизмалари эса ватманга оқقا кўчирилади. Шундай қилиб, объект комплекслари нашрга тайёрланади.

Мана шу иш жараёни давомида ва унинг кейинги босқичларида археологик жиҳатдан системалаштирилган барча материалларнинг тарихий талқини ва илмий тахлили олиб борилади. Фактик материаллардан келиб чиқсан информациялар тахлили асосида тегишли илмий асосланган хulosалар чиқарилади.

## **6-мавзу: Қадимги манзил, қишлоқ ва шаҳар қолдиқларини тадқиқ қилиш услублари.**

**Режа:**

1. Манзилгохларни қазиш босқичлари
2. Шурф ва траншеялар
3. Тадқиқот услублари

Ёдгорликнинг тарихий топографиясини ўрганиш. Экспедиция режасига кўра, қазишмалар учун объектлар танлаш. Ёдгорликнинг пайдо бўлиши, худудий ўзлаштирилиш босқичлари ва ёшини аниқдаш учун объект майдонида унинг рельефига қараб стратиграфик шурфлар, траншеялар солиш. Ёдгорлик истиқболидан келиб чиқиб, мақсадли стационар қазишмалар режалаштириш. Мудофаа тизими, туарар-жой массивлари, хунармандчилик объектлари, диний култ объектлари, суғориш ва ободончилик объектлари ва бошқалар. Топилма ва қурилма қолдиқларини дала планинга тушириб бориш. Дала музейи ташкил қилиш ва топилмаларни шифрлаш. Стационар қазишма майдонида объектни қатламма-қатлам очишга усулига қаттий амал қилиш. Бунинг учун объектни қазиш жараёнида нивелир ва теодолит каби инструментлардан фойдаланиш. Ер тўла, ярим ер тўла, капа ва бошқа қурилмалар изларини топишга алоҳида эътибор қаратиш. Гувала, хом ғишт ва пахса каби қурилиш материалларидан тикланган қурилма қолдиқларини топиш, қурилиш ориентири, эшик ва ўчоқ изларини топиш. Бир хонали уйлардан кўп хонали уйлар қурилиши реаларини аниқлашга эътибор бериш. Қазишма жараёнида фундамент, девор қурилиши материали, сувоқ, пардозлаш, деворий нақш ва уларнинг турлари, ишлаб чиқариш қолдиқлари- хумдон ва ўчоқ, сандал ва тандир қолдиқлари ва бошқаларни топишга эътибор бериш. Қазишмалар муҳофазаси масаласи. Маҳаллий хокимият билан боғланиш. Очилган объектларни навбатдаги қазишма фаслига қадар маҳаллий ҳокимиятнинг тегишли мутассаддий вакилларига топшириш.

## **7-мавзу:Археологик дала тадқиқотларида топография ва дала хужжатлари**

**Режа:**

1. Хаританинг турлари
2. Археологик харита турлари
3. Ёдгорликнинг планини тузиш услублари
4. Археологик топилма ва қурилма қолдиқларини паспортлаштириш қоидалари ва дала хужжатлари

Археологик дала тадқиқотларида хариталар мухим аҳамиятга эга. Хариталарнинг турлари, харита маштаблари, рельефнинг тасвиrlаниши, харита асосида манзилни белгилаш, археологик харита турлари, жойда тўғри чизиқни ўлчаш услуби, компас, буссолъ, нивилир, теодолит, ёдгорликнинг планини тузиш услублари, рельефнинг съемкаси, фор плани съёмкаси.

Мавзу баёнининг қисқача йўналиши: Топилмаларни учётга олиш қоидалари, улчов нуқгаси, чизма масштаби, план-сетка, шартли белгилар, қозилма чуқурлигини ўлчаш, Кесма (разрез) чизмаси, кесма тавсифи, топилмалар ва уларни планга тушириш, топилмаларни шифрлаш талаблари, топилмалар тавсифи, топилманинг дастлабки таъмири, ёғоч ва хом лойдан ишланган тпилмаларни сақлаш усуллари, деворий суратларни очиш, чангдан тозалаш ва қўчириш усуллари, оммавий топилмалар ва уларни шифрлаш, дала "музейи", керамика ва суюкларни упаковкаси. Очилган курилма қолдиқларини тавсифлаш. Меъморий қолдиқлар ўлчави, фотога олиш, Кундалик тутиш ва унинг вазифаси, дала ҳисботини тайёрлаш. Ҳисботга фото суратлар, қазилган обьект плани ва разрези каби дала хужжатларини илова қилиш ва бошқалар.

## **8–мавзу: Археологик торилмаларнинг ёшини аниқлаш услублари**

### **Режа:**

1. Радиоуглерод услуби
2. Петрографик тахлил
3. Агробиологик тахлил
4. Маданиятлараро тарқалган ашёлар ёрдамида ёдгорликликларнинг ёшини аниқлаш услуби

Табиий фанлар билан тарих ва археология фанининг боғлиқлиги. Тахлилларнинг қўйидаги услублари мавжуд: радиоуглерод, дендрохронология, радиокарбон услублари, давраштиришнинг археомагнит услуби, споро–чанг тахлили, петрографик услуг, агробиологик услуг, ҳайвон суюклари тахлили ва бошқалар. Шунингдек, археологлар топилган буюмларни бир-бири билан боғлаб, тарихий ва ёзма манбаларга солиштирган ҳолда ҳам ўрганадилар. Бунда асосан, маданиятлараро тарқалган ашёлар ёрдамида буюмлар ёшини аниқлайдилар. Бу кейинги даврларда энг кенг қўлланмоқда.

Маданиятлараро тарқалган ашёлар ёрдамида ибтидоий давр буюмлари ёшини аниқлашда шарқ мамлакатларида тарқалган хлорит, лазурит, аргелит тошлардан, алибастр, фаянс ва фил суюгидан ясалган буюмларни солиштириш ёрдамида аниқлашади. Хлорит тош– юмшоқ таркибли, яшил кулрангтоб бўлиб, ундан ясалган буюмларнинг ташқи тарафига чизиб, ўйиб безак берилади. Бундай буюмлар Эроннинг Кермон вилоятидан милоддан олдинги XIX– ХИИИ асрларда экспорт қилинган. Аргелит тошдан милоддан олдинги ИИИ минг йилликлар йилликнинг охирлар И минг йилликнинг бошларида тақинчоқлар муҳрлар ва косметика учун митти идишлар ясаганлар. Аргелитнинг макони Афғонистон, Покистон, Эрон ва Ўрта Осиёдан топилган. Алибастрдан ясалган буюмлар милоддан олдинги ИИ минг йилликнинг бошларига оид. Фаянсдан “илохий” идишлар ва кичик хажмдаги коса ва хар хил тақинчоқлар ишланган бўлиб, улар милоддан олдинги XIX– ХИИИ асрларга оидdir.

## **9–мавзу: Сопол буюмлари ва уларнинг ишланиш услублари**

**Режа:**

1. Сопол буюмларнинг ихтиро қилиниши ва уларнинг жамиятдаги ўрни
2. Сопол буюмлар турлари
3. Сопол буюмлар ишланишининг ўзига хослиги

Сопол буюмларни аждодларимиз неолит давридан буён ишлатиб келишмоқда. Лойдан турли туман шаклларда идишлар ясаб, уларни турли нақшлар билан безатиш ибтидоий одамнинг дунёкарашининг ривожланишига сабаб бўлган. Шунингдек, уларнинг манзилгоҳларда тўпланиб қолиши, археологларга ўтмишдан дарак бериб турди. Сопол буюмларнинг турлари. Уларнинг хўжалик учун аҳамияти. Калтамиор, Жайтун, Сополлитепа, Жарқўтон, Кўзалиқир, Европа ва Сибир ва бошقا мамлакатларда сопол буюмларни ясашнинг ўзига хослиги ва маданий тараракқиётнинг белгиланиши.

## **10 –мавзу: Ёзувлар тарихи**

**Режа:**

1. Ёзувнинг ихтиро қилиниши ва унинг кишилик жамиятидаги ўрни.
2. Ёзувнинг турлари.
3. Ёзма манбалар ва археологик манбаларнинг ўзаро боғликлити.

Ёзув қадимги дунёнинг энг буюк кашфиёти. Дастрлабки ёзувлар бундан 7 минг йил олдин пайдо бўлган. Унинг тарихдаги аҳамияти. Ёзув турлари. Пигтография. Иероглиф. Оромий ёзув. Қоғознинг ихтиро қилиниши. Ёзма манбалар ва археологик манбаларнинг ўзаро боғликлити.

## **10–мавзу: Жаҳон археологияси**

**Режа:**

1. Европа археологияси.
2. Америка археологияси.
3. Шарқий ва Жанубий Осиё археологияси.
4. Африка археологияси.

Европа худудида жойлашган археологик ёдгорликлар. Америка худудида жойлашган археологик ёдгорликлар. Шарқий ва Жанубий Осиё худудида жойлашган археологик ёдгорликлар. Африка худудида жойлашган археологик ёдгорликлар. Палеолит ёдгорликлари. Мезолит ёдгорликлари. Жаҳон миқёсида археология соҳасида юз

**Лаборатория иши бўйича топшириқлар.**

1. Археологик қидирув (разведка) га тайёргарлик ва унинг турлари.
  2. Дала қидирув ишларининг техникавий холати, қидирув режаси ва маршрутлари
  3. Қадимги тош, ўрта ва янги тош даври манзилларининг топиш белгилари.
  4. Топилмалар ва уларни маданий қатламдан излаш усублари.
  5. Авиаразведка ва авиаъёмкаларни расшифровка қилиш.
  6. Энеолит ва бронза даври ёдгорликлари, уларнинг минтақавий ривожланиши.
  9. Ёдгорликларнинг тарихий топографияси, қишлоқ ва шаҳар қолдиқларини фарқлай билиш.
- Ю.Новостройкаларда археологик кузатув (надзор).
11. Қадимги қабристон ва мозор-қўрғонларни қидириш усуллари.
  12. Қоя тош суратларини қидириш усуллари.
  13. Тоғ саноати объектлари ва хазиналарни қидириш усуллари.
  14. Шурф, унинг кесмаси, яруслари, қатламлар характери ва қурилиш босқичлари.
  15. Қадимги тураг-жой манзиллари ва уларнинг турлари.
  16. Қадимги қабрлар, қабристонлар, мозор-қўрғонлар ва уларнинг тузилиши.
  17. Қадимги қабрлар ва уларни ўрганишликнинг аҳамияти.
  18. Қадимги қабрлар ва уларни ўрганиш.
  19. Кабрларнинг ички ва ташки тузилиши.
  - 20 Скелетларнинг ётиш холати ва турлари.
  21. Кабр предметлари ва уларнинг жойлашиш тартиби.
  22. Топилмаларни шифрлаш, упаковкалаш ва лаборатория тадқиқодига тайёрлаш.
  23. Ёдгорликнинг тарихий топографияси (бир объект мисолида).
  24. Археологик экспедиция ва унинг вазифаси доирасида қазиша учун объект танлаш (бир объект мисолида).
  25. Тураг-жой массивларини қазиши методикаси.
  26. Хунармандчилик объектлари ва уларни қазиши усуллари.
  27. Дала музей нима, экспедиция ассистент ва лаборантларининг вазифаси нималардан иборат?
  28. Маданий қатлам, горизонтал стратиграфия нима?
  29. Ярим ер тўла қурилмаларини қазиши методикаси (Замонбобо маданияти мисолида)
  30. Уй-жой комплексларининг ички тузилиши.
  31. Ўрганилаётган объектларнинг дастлабки таъмири ва муҳофазаси.
  32. Америка археологик ёдгорликларни харитага тушириш
  33. Африка археологик ёдгорликларни харитага тушириш
  34. Осиёдаги археологик ёдгорликларни харитага тушириш
  35. Хиндистон археологик ёдгорликларни харитага тушириш

## 36. Эрон археологик ёдгорликларни харитага тушириш

### **.Дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати. Асосий адабиётлар:**

1. Памятка по раскопкам грунтовых могильников. Ленинград-1961.
2. Предмет и объект археологии и вопросы методики археологических исследований. Ленинград-1975.
3. Авлусин Д.А. Полевая археология. Издательство "вісшая школа" М.1972.
4. Авдусин. Д.А. Археологические разведки и раскопки. Москва-1959 .
5. Шер Я.А. Петроглифи Средней и Центральной Азии.Москва-1980 .
6. Аскаров А. Сапаллитепа. Ташкент-1973 г.
7. Аскarov А. Энг қадимги шаҳар. Тошкент-2001.
8. Аскarov А. Бухоронингибтидоий давр тарихиданлавҳалар. Тошкент-1973.
9. Анараев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. Ташкент-1981
- Ю.Итина М.А., Яблонский Л.Т. Мавзалей Северного Тегискена. М. 2001.
- 11.Бўлатов С.С. ва бошқалар. Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами. Т. 2007 .
- 12.Буряков Ю.Ф., Набоков В.И. Устен древнего Хараджкета. Ташкент-1989.
- И.Буряков Ю.Ф. Тошкент воҳасининг қадимий карвон йўллари. Тошкент-1978.
- 14.Пидаев Ш.Р. Сирли күшонлар салтанати. Тошкент-1990.
- 15.Алёкин В.А. Социальная структура и погребальныш обряд древнеземледельческих обществ. Ленинград-1986.
- 16.Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар ("Тафаккур сарчашмалари" туркумидан). Тошкент-2007.
- 17.Мирсаатов Т. Горные разработки в эпоху камня. Ташкент-1975.

